



ЁШЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Насруллаев Фирдавс Сухробович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ташкилий департаменти
Ахборот-таҳлил бошқармаси бош инспектори подполковник
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7549622>

ARTICLE INFO

Received: 08th January 2023
Accepted: 17th January 2023
Online: 19th January 2023

KEY WORDS

Ёшлар, ислохотлар, ички ишлар органлари, профилактика инспектори.

ABSTRACT

Мазкур мақолада бугунги кунда ёшларимиз томонидан содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқувчи омиллар, сабаб-шароитларини бартараф этишда Ички ишлар органлари иштироки илмий-амалий жиҳатдан ўрганилган бўлиб, керакли таклифлар ва мулоҳазалар берилган.

Сўнги йилларда юртбошимиз томонларидан мамлакатимизда ёшларнинг маънавий ва маърифий савиясини юксалтириш, уларга замонавий билим олиш учун барча имкониятларни яратиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, бандлигини таъминлаш масалалари Давлат сиёсати даражасигача кўтарилди. Шу жумладан, Ёшлар билан ишлаш борасида:

- 2016 йил 14 сентябрда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон Қонуни;
- 2017 йил 5 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони;
- 2017 йилнинг июнида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи жамоат ташкилоти ташкил этилди;
- 2017 йилдан бошлаб – 30 июнь “Ёшлар куни” деб эълон қилинди.

Бу борада, янги Ўзбекистон даврида Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида 50 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Булар:

- Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 23-сонли қарори;
- Президентнинг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6017-сон фармон қабул қилиниб бу асосда ёшларимизни юртимиз равнақи йўлида бирлаштириб, уларга имкон эшиklarини очишда ёрдам берадиган Ўзбекистон “Ёшлар ишлари Агентлиги” ташкил этилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-



тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон Фармони билан ушбу агентлик Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузурига ўтказилди.

Шу ўринда, Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Янги Ренессанс пойдеворининг бунёдкорлари – ёшлар” улуғвор ғояси атрофида ёшларни бирлаштириш бўйича барча вазирлик ва идоралари учун аниқ топшириқлар берилди. Бу каби эътиборни Давлатимиз раҳбари форумда “Ёшлар билан ишлаш Президентдан тортиб вазиргача, ҳокимдан тортиб маҳалла раисигача – ҳаммамизнинг энг асосий ишимизга айланиши зарур. Ҳар қайси ҳоким, ҳар бир вазир, ҳар қайси маҳалла раиси “Бугун мен ёшлар учун нима иш қилдим? Эртага фарзандларимиз манфаати учун яна нима иш қилишим керак?” деган саволларга жавоб берадиган, шундай эътиқод билан яшайдиган вақт келди.”¹ деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Мана шу улуғвор ғоя асосида мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш, айниқса, уларни қонунга итоаткорлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирда, Республикада жами 35 млндан зиёд аҳолининг 21,6 фоизини ёшлар (18-30 ёш), 33,2 фоизини эса вояга етмаганлар ташкил этади (18 ёшгача).

Таъкидлаш жоизки, Ички ишлар органлари томонидан ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликни жиловлаш, уларнинг маънавий дунёқарашини мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан: жорий йилнинг 11 ой мобайнида Ички ишлар органлари томонидан 51 536 маротаба турли профилактик тадбирлар, шулардан, 13 344 маротаба таълим муассасаларида, 109 847 маротаба маҳаллаларда маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари амалга оширилиши ёшларимиз томонидан жиноят содир этилишини жиноятларни олдини олишда, уларнинг жиноят қурбонлари бўлиб қолишларига йўл қўймаслик, уларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришда, ҳуқуқий ва қонуний манфаатлари ҳимоясида, уларнинг тарбиясида ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, давлатимиз ривожланишига, унинг ривожланган давлатлар қаторига кириши ёшларимиз қўлидалигини англаган ҳолда бугунги кунда Ички ишлар органлари кўмагида вояга етмаганларнинг қизиқишларини эътиборга олиб, уларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланишлари учун 6 637 нафари спорт, 4 918 нафарини факультатив тўғаракларга, 1 420 нафари кичик бизнес шахобчаларига жалб этилди ва 1 758 нафари “Баркамол авлод” марказларига жойлаштирилди. Бундай тадбирлар ўз ўрнида боланинг тарбияси учун ҳам жуда муҳимдир. Шу ўринда маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг қуйидаги айтган сўзларини эслаймиз “Тарбия биз учун ё ҳаёт–ё мамот, ё нажот–ё ҳалокат, ё саодат–ё фалокат масаласидир”².

Бундан ташқари, назоратсиз юрган 90 227 нафар вояга етмаганлар аниқланиб, уларни назоратга олиш мақсадида 27 396 нафари ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига ва 262 нафари ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилди, ота-она қарамоғисиз қолган 187 нафарига васий ва ҳомийлар тайинланди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Ёшлар форумидаги нутқи. <https://yuz.uz>.

² Абдулла Авлоний "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" 1917 й, Тошкент, 5 Б.



Фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналарнинг тузалиш йўлига ўтказиш учун 431 нафари ишга жойлаштирилди, 1 815 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди.

Натижада 4 041 нафар вояга етмаганлар ва 4 307 нафар фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар соғлом турмуш тарзига қайтганлиги учун улар ички ишлар органлари ҳисобидан чиқарилди.

Ўрганишлар натижасида жорий йилнинг ўтган 11 ойдан жиноятларнинг чуқур таҳлили бу борадаги ишларни янада кучайтириш лозимлигини кўрсатмоқда. Хусусан, республикада қайд этилган жами жиноятларнинг 22,8 фоизини (91 321 тадан 20 898 таси) айнан ёшлар томонидан содир этилган.

2022 йил 11 ойда ёшлар томонидан содир этилган жиноят 18,1 фоизга кўпайган.

Ёшлар томонидан жорий йилда 101 та қотиллик, 420 та оғир тан жароҳати етказиш, 105 та номусга тегиш, 3 243 та ўғрилиқ, 291 та талончилик, 109 та босқинчилик, 1 053 та безорилик жиноятлари содир этилган.

Таҳлилларимиз Республикада содир этилган жами қотилликларнинг 29,7 фоизи (339 тадан 101 та), оғир тан жароҳати етказишнинг 41 фоизи (1 025 тадан 420 та), ўғрилиқнинг 24,7 фоизи (13 086 тадан 3 243 та), безориликнинг 51 фоизи (2 061 тадан 1 053 та) айнан ёшларнинг ҳиссасига тўғри келиши, ёшларимизни бўш вақтларини унумли ташкил этиш, уларни назоратсиз қолдирмаслик, профилактик чора-тадбирлар борасидаги ишларини ҳеч сусайтирмасдан янада жадаллаштиришимиз кераклигини кўрсатиб ўтмоқда.

Таҳлиллар ва ўрганишларимизга кўра ёшлар жиноятларининг ҳудуд кесимида асосий салмоғи, яъни (61,8 фоиз) республиканинг беш ҳудуди, яъни Фарғона (4 125 та), Тошкент шаҳар (3 562 та), Тошкент (2 215 та), Сурхондарё (1 489 та), Наманган (1 539 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ушбу таҳлил асосида қуйидаги таклифларни бериб ўтмоқчимиз:

– Фарғона вилоят кесимида ёшларимизни бўш вақтларидан унумли фойдаланиш мақсадида вилоят Ёшлар иттифоқи ва Ёшлар ишлар агентлиги билан биргаликда спортнинг турли хил турлари бўйича спорт мусобақаларни ташкил қилиб, унда юқори натижалга эришган ёшларимизни кенг жамоатчилик, асосан ёшларимиз иштирокида тадбир уюштириб, тақдирлаш.

– Ёш аёл ва қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, ҳар қандай тазйиқ ва зўравонликка учраганлик ҳолатларини аниқлаш ва уларга “ҳимоя ордери” расмийлаштириб, мазкур оиланинг муаммоларини ҳал этиш амалиёти ҳар бир маҳалланинг ўзида кенг жамоатчилик олдида муҳокама қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш.

– Маҳалла раислари, уларнинг оила, хотин-қизлар, ёшлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарлари, шунингдек Ёшлар ишлари агентлиги ҳудудий бўлинмалари ва жамоатчилик вакиллари томонидан ёшларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланганда, бу ҳақда тегишли ички ишлар органларига дарҳол хабар бериш тизимини йўлга қўйиш учун ҳудудий кураторлик фаолиятини амалга оширувчи хизмат раҳбарлари ҳар ҳафтада ўзига бириктирилган ҳудудга бориб ўрганиш ишларини йўлга қўйиш.



– Низоли оилалар, эр-хотин ўртасидаги муаммоли муносабатларга барҳам бериш, “ҳимоя ордери” берилган оилаларда хотин-қизларнинг тазйиқ ва зўравонликка учрашини олдини олиш бўйича аниқ профилактик чора-тадбирлар амалга ошириб бор учун бу борадаги тадбирларга масъул идора ва ташкилотларни ҳам жалб этиб, уларнинг фаоллигини ошириш чоралари рейтинг тизимида баҳолаб бориш тизимини жорий қилиб, уларнинг фаолиятини хар ойда вилоят миқёсида ўтказиладиган йиғилишда муҳокама қилиш.

– Вилоятларда психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш ҳамда аҳоли, айниқса ёшлар орасида уларнинг тарқалиб кетишининг олдини олишга қаратилган тезкор ва профилактик тадбирлар самарадорлиги ошириш юзасидан ноқонуний фаолият олиб бораётган шахсларни (дорихона, киракашлар ва ўртакашлар каби) аниқлаш ҳамда уларга нисбатан қонуний чоралар қўрилишини кучайтириш.

– Ёшлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ишларини “сектор – маҳалла – мактаб” тамойили асосида ташкил этиш.

– Вилоятларда ёшлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва ижобий ҳал этиш, бандилигини таъминлаш, ишламайдиган, ўқимайдиган, салбий иллатларга берилувчан ёшлар билан манзилли ишлаш, ёшлар жиноятчилигини олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга ошириш.

Ёшлар билан ишларни ташкил этишда алоҳида эътибор жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этганларни ижтимоий соғлом ҳаёт тарзига қайтариш, уларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилмоқда.

Бугунги кунда, мана шу каби ҳолатларга чек қўйиш мақсадида 157 732 нафар алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган яъни, 46 413 та ажрашган, 5 205 та ажрим ёқасига келган, 832 та ноқонуний никоҳдаги оилалар, 2 607 та нотинч оилалар билан манзилли ишлаш амалиёти йўлга қўйилди.

Шунингдек, 122 744 нафар ижтимоий хавfli (майда безорилик, туҳмат, ҳақорат қилиш) содир этган, 435 нафар гиёҳванд, 817 нафар ичкиликка ружу қўйган, 455 нафар руҳий касаллар, 22 361 нафар пробақия назоратидаги, 48 657 нафар профилактик ҳисобдаги ёшларни ташкил қилмоқда.

Шунинг учун, бундан буён бевосита маҳалланинг ўзида профилактика инспектори, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли томонидан шу тоифа каби ижтимоий-маиший муаммолари ҳал этилмаган фуқаролар билан манзилли ишлаш амалиётини йўлга қўйишимиз зарур.

Бу борада, алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган ёшларнинг “ягона реестри” шакллантирилади.

Бунда, маҳалланинг ўзида муаммоси ҳал этилмаган шахсларнинг “хонадонбай” ва “фуқаробай” рўйхати реестрга киритилади.

Секторда эса, муаммоларга “индивидуал диагноз” қўйиш орқали уларни ҳал этиш чоралари белгилаб борилмоқда.



Жорий йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғи асосида алоҳида эътибор талабалар орасида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш масаласига қаратилиб, янги иш услуги амалиётга татбиқ этилди³.

Бунда Ички ишлар вазири ўринбосари раҳбарлигида алоҳида ишчи гуруҳ шакллантирилиб, талабалар турар жойлари, уларнинг шароити, улар билан олиб борилаётган профилактик ишлар жойига чиққан ҳолда ўрганиш тажрибаси жорий этилди. Ишчи гуруҳга Вазирлик Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати, жамоат хавфсизлиги хизмати, тергов департаменти ходимлари жалб этилган.

Бунда, аксарият олий таълим муассасаларида талаба-ларни дарсдан ташқари вақтида назорат қилиш, улар билан манзилли профилактик ишларни амалга ошириш амалиёти тизимли равишда йўлга қўйилмаганлиги маълум бўлди.

Шу боисдан ҳам, талабаларнинг бир қисми ўзаро келишмовчилик ва ўқиш вақтида юзага келган етишмовчилик, иккинчи қисми эса маънавий-маърифий дунёқараши тўғри шаклланмаганлиги ва енгил ҳаёт тарзига берилганлиги сабабли жиноятга қўл урмоқда.

Таҳлилларга юзланадиган бўлсак, 2022 йил 11 ойида жиноятга қўл урган 1 070 нафар олий таълим муассасалари талабалари жиноят содир этган. Шундан, 2 та қотиллик, 117 та тан жароҳати етказиш, 2 та номусга етгиш, 100 та ўғрилик, 20 та талончилик, 5 та босқинчилик, 178 та фирибгарлик, 65 та безорилик, 271 та йўл-транспорт ҳодисалари, 32 та гиёҳвандлик ҳамда 215 та бошқа жиноятлар билан боғлиқ.

Жиноятларнинг келтириб сабаблар ўрганилганда уларнинг 15 % (158 таси) моддий етишмовчилик, 20 % (320 таси) ҳуқуқий саводсизлик, 12 % (114 таси) ғараз мақсадида, 24 % (388 таси) ўзаро келишмовчилик оқибатида содир этилганлигини кўришимиз мумкин.

Талабаларимиз томонидан жиноятларнинг олиндини олиш, уларни жиноятлар бўйича саводхонлигин ошириш мақсадида жиноят содир этган талаба таҳсил олаётган таълим муассасасига муҳокама йиғилишларида судьяларнинг қатнашиши тавсия этамиз. Бу ўз навбатида кишига қонунга итоаткорликни оширади. Серкакликка ундайди.

Талабалар томонидан жиноятчилик ҳолатини ошиб кетишига йўқ қўймаслик мақсадида, мазкур масала муҳимлигидан келиб чиқиб, жойлардаги 97 та олий таълим муассасаларига 134 нафар профилактика инспекторлари (14 нафари аёл) ажратилиб, талабалар орасида жиноятчиликни барвақт олдини олиш тизими жорий этилди.

Профилактика инспектори ажратилган олий таълим муассасаларида талабаларнинг баланси йўлга қўйилди.

Эндиликда, ҳар бир олий ўқув юртида профилактика инспекторлари томонидан хулқи ёмон, зўравон, ичкиликка ружу қўйган, дарсга мунтазам қатнашмайдиган, фоҳишалик каби ахлоқсиз хатти-ҳаракатларни содир этиши мумкин бўлган талабаларнинг рўйхати шакллантирилади ва улар билан манзилли ишлар олиб борилади.

Бу эса, уларнинг бўш вақтини назорат қилиш ва тўғри йўлга йўналтириш имкониятини беради.

³ 2022 йил 4 мартда Президент раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги топшириқ.



Фикримизча, бундан кейин республика бўйича барча олий таълим муассасалари билан яқиндан ҳамкорликни ўрнатиб, талабалар орасида профилактика инспекторларининг кўнгилли ёрдамчилари жорий этишни кенг йўлга қўйилиши айнан ёшларимиз орасидан ўз тенгдошларини турли хил ёмон йўллардан қайтариш учун яхши намуна бўлади.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг алоҳида қарори билан "Хавфсиз таълим муассасаси" тамойили асосида вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича янги тизим жорий этилди⁴.

Унга кўра, ички ишлар органлари таркибида 2 мингта штат бирликларидан иборат вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог лавозимлари жорий этилди ҳамда уларнинг бевосита хизмат ўташ жойи этиб умумий ўрта таълим муассасалари белгиланди.

Улар куннинг биринчи ярмида мактабларда психологик муҳитни яхшилаш ва ўқувчилар орасида қонунбузилишнинг олдини олиш чораларини кўрмоқда.

Бу ўз самарасини дастлабки кунлардаёқ беришни бошлади, хусусан, инспектор-психологлар томонидан 123 минг мартаба ўқувчиларнинг хонадонларига бориб, уларнинг шароитлари ўрганилган, фарзанд тарбиясига эътиборсиз бўлган ота-оналарнинг 68 мингдан ортиғи маъмурий тартибда (МЖТКнинг 47-м. Фарзанд тарбиясини таъминлаш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик) чора кўрилган.

Бундан буён ҳам Халқ таълим вазирлиги билан ҳамкорликда профилактик тадбирлар жадаллаштирилиб, ҳар бир мактабда инспектор-психологлар учун муносиб хизмат шароитларини яратиш алоҳида назоратга олинган ҳолда ташкил этилиши йўлга қўйилмоқда.

Ўтган йилдан бошлаб, Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида сектор раҳбарлари томонидан жиноятларни "маҳаллабай" ва "фуқаробай" муҳокама қилиб, уларнинг асл сабабларини аниқлаб, бартараф этиш борасида янгича ишлаш тизими йўлга қўйилди⁵. Бу борада ёмон йўлга кириб жиноят содир этган ёшларимизнинг жиноят содир этиш сабаблари ва унинг оқибатлари бўйича Халқ таълими вазирлиги ходимлари иштирокида 977 та, Ёшлар ишлари ағетлиги вакиллари иштирокида 9175 та жиноятлар муҳокама қилинди.

Фикримизча, барча давлат идоралари раҳбарларидан жиноятларни муҳокама қилишда жойларда амалга оширилаётган ишларни кунлик назоратга олиб, уларнинг сабабларини бартараф этишда яқиндан кўмак беришлари, ҳар бир ҳолатга алоҳида эътибор бериб, келгусида бу турдаги жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини олдини олган бўларди.

4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон "Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.

5 Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрдаги "Жиноятларнинг сабабларини ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 565-сон қарори.



Ўз навбатида, ички ишлар органлари томонидан Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмаларига мунтазам равишда мактаб ўқувчилари ва ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар ҳақида маълумотлар бериб борилмоқда.

Бундан буён ҳам ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, шунингдек, маҳаллалардаги ёшлар етакчиси ва ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этиш борасида белгилаб берилган барча вазифаларнинг ижросини тўлақонли таъминлаш учун барча зарурий чоралар кўрилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Ёшлар форумидаги нутқи. <https://uz.uz>.
2. Абдулла Авлоний "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" 1917 й, Тошкент, 5 Б.
3. 2022 йил 4 мартда Президент раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги топшириқ.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон "Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.
5. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрдаги "Жиноятларнинг сабабларини ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 565-сон қарори.